

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI
BAZIRLAR MAҲKAMACISI ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ
АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ РАЁСАТИНИНГ
ҚАРОРИ

84 Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2443-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 31 январдаги 195/5-сонли қарори (рўйхат рақами 2443, 2013 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 13-сон, 169-модда) билан тасдиқланган Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий аттестация
комиссияси раиси**

А. ЮСУПОВ

Тошкент ш.,
2016 йил 28 январь,
220/3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий
аттестация комиссияси Раёсатининг
2016 йил 28 январдаги 220/3-сон қарорига
ИЛОВА

**Эксперт кенгаши тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги ПФ–4456-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғри-

сида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги 365-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг (бундан буён матнда ОАК деб юритилади) эксперт кенгаши фаолиятини тартибга солиди.».

2. 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

экспертиза — тегишли хужжатларнинг моҳияти ва амалга оширилган аттестация тадбирларининг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан хулоса бериш;

илмий экспертиза — диссертация ва нашр қилинган ишлар илмий натижаларининг янгилиги, назарий ва амалий аҳамиятини баҳолаш ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш соҳасидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан хулоса бериш.».

3. 5-бандда:

учинчи хатбошидаги «тузишнинг» деган сўз «тузиш (қайта тасдиқлаш)-нинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги «улар юзасидан» деган сўзлар «уларни» деган сўз билан алмаштирилсин.

4. 8-банддаги «ОАКнинг эксперт кенгашлари» деган сўзлар «Эксперт кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 9-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эксперт кенгаши таркибига камида беш йиллик илмий ва педагогик иш тажрибасига эга бўлган ҳамда илмий даража олган мутахассис тайёрлаган ёки 4 нафар магистратура талабасига ёхуд 8 нафар бакалавриат таълим йўналишининг битирувчи талабасига илмий раҳбарлик қилган фан докторлари киритилади.».

6. 10-бандда:

биринчи хатбошидаги «ушбу буйруқ кейинчалик ОАК Раёсати мажлисига» деган сўзлар «ушбу ўзгартириш ОАК Раёсатининг навбатдаги мажлисига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «уч» деган сўз «бир» деган сўз билан алмаштирилсин.

7. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Бир ташкилот ходимлари бир вақтнинг ўзида битта эксперт кенгашининг раиси, ўринбосари ва илмий котиби, шунингдек эксперт кенгаши аъзолари фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Эксперт кенгашининг аъзоси мажлисларда фаол иштирок этмаганда, экспертиза (илмий экспертиза) жараёни, шу жумладан диссертация експер-

тизасига оид маълумотларни ошкор қилганда, у ОАК Раёсати томонидан эксперт кенгаши таркибидан чиқарилади.».

8. 12-банддаги «фан соҳалари» деган сўзлар «фан тармоқлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 15-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Эксперт кенгашининг қарорлари (тавсиялари, хулосалари) очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Зарур ҳолларда, эксперт кенгашининг қарорлари ҳолислигини таъминлаш мақсадида ёки эксперт кенгаши аъзоларининг кўпчилиги таклифига кўра ёпиқ овоз бериш ўтказилиши мумкин.».

10. 16 — 19-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«16. Эксперт кенгаши қарорлари тавсиявий характерга эга бўлиб, эксперт кенгаши томонидан мустақил равишда қабул қилинади ҳамда ОАК Раёсати тасдиқлаган кундан эътиборан кучга киради.

17. Эксперт кенгашининг мажлиси мазкур Низом талабларига риоя этмаган ҳолда ўтказилган ва эксперт кенгаши томонидан асосиз қарор қабул қилинган тақдирда, ОАК раҳбарияти аттестация ишини, шу жумладан диссертацияни мустақил ёпиқ экспертизага бериб, мустақил ёпиқ экспертиза натижаси асосида эксперт кенгашига масалани такроран кўриб чиқишни таклиф этишга ҳақли.

18. ОАК Раёсати ёки раҳбариятининг топшириғига асосан, зарур ҳолларда, эксперт кенгашларининг қўшма мажлиси ташкил қилиниши мумкин.

19. Эксперт кенгаши бўйича ОАК масъул ходими эксперт кенгаши мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, эксперт кенгаши илмий котиби билан биргаликда аттестация ишлари ва диссертацияларнинг тўла-тўқис сақланиши ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун масъулдир. Эксперт кенгаши йиғилишларида ОАК раҳбарияти иштирок этиши мумкин.».

11. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Эксперт кенгаши қарори (тавсияси, хулосаси) ва мажлиси баённомаси раислик қилувчи ва эксперт кенгаши илмий котиби томонидан имзоланади ҳамда беш кун ичида эксперт кенгаши бўйича ОАК масъул ходими га топширилади.».

12. 23-банддаги «даражасини» деган сўз «даражаси» деган сўз билан алмаштирилсин.

13. 24-банддаги «тавсиялар ва хулосаларнинг» деган сўзлар «қарорларнинг (тавсияларнинг, хулосаларнинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 26-банддаги «фаолият юритмайди» деган сўзлар «аттестация ишларини кўриб чиқмайди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 27-банддан «ўз» деган сўз чиқариб ташлансин.

16. 32-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«32. Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ёки илмий унвон берувчи кенгаш қарори ёхуд ОАК Раёсати қарори юзасидан берилган апелляция эксперт кенгаши томонидан ОАК Тартиб-қоида комиссияси топшириғига асосан кўриб чиқилади.».

17. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақ-

лаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси билан келишилган.

*Маданият ва спорт
ишлари вазири*

Б. АХМЕДОВ

2016 йил 22 январь

*Олий ва ўрта махсус
таълим вазири*

А. ВАҲАБОВ

2016 йил 22 январь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. АЛИМОВ

2016 йил 21 январь

Халқ таълими вазири

У. ИНОЯТОВ

2016 йил 20 январь

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

Ш. ТЕШАЕВ

2016 йил 20 январь

Ташқи ишлар вазири

А. КАМИЛОВ

2016 йил 19 январь

*Фанлар академияси
президенти*

Ш. САЛИХОВ

2016 йил 18 январь

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитаси раиси*

Ш. САЛИХОВ

2016 йил 18 январь